O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Narpay tumani
HOKIMI
Q A R O R I

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Нарпайского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2019 yil «26» №2556К Oqtosh sh.- г.Акташ

**Туман ҳокимининг 2019 йил 17 апрелдаги 1374-Қ-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисида**

Нарпай тумани адлия бўлимининг 2019 йил 19 июлдаги 7/117-сонли тақдимномасида таъкидланадики, туман ҳокимининг 2019 йил 17 апрелдаги "Тумандаги мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинларида ва кўчаларни умумий ўрта таълим мактабларига микроҳудудлар кесимида бириктириш тўғрисида"ги 1374-Қ-сонли қарори норматив-ҳуқуқий тусга эга бўлишига қарамасдан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмасдан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами. 2012 й., 52-сон, 583-модда) 21-моддаси 1-қисми ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1993й 9-сон 320-модда) 6-моддасига асосланиб,

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н :**

1. Нарпай тумани адлия бўлимининг 2019 йил 19 июлдаги 7/117-сонли тақдимномаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Туман ҳокимининг 2019 йил 17 апрелдаги "Тумандаги мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинларида ва кўчаларни умумий ўрта таълим мактабларига микроҳудудлар кесимида бириктириш тўғрисида"ги 1374-Қ-сонли қарори қарори бекор қилинсин.
3. Туман ҳокимининг бош юрисконсульти (З.Назаров) қайта тайёрланган қарор лойиҳасини белгиланган тартибда вилоят адлия бошқармасидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминласин.
4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Т.Ашуров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими: Б.Жабборов

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI NARPAY TUMANI HOKIMLIGI DEVONXONA